

ТАРБИЯДА АЖДОДЛАР МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Муродова Насиба Шерали Кизи

Самарканд давлат педагогика институти магистранти

Аннотация: Мақолада ёшлар таълим тарбиясида буюк аждодларимизнинг қарашлари асосида буюк саркарда Амир Темурнинг давлат пойдевори мустаҳкамлигида баркамол авлодни тарбиялашдаги инсонпарварлик, ватанпарварлик, бурчга онгли муносабат гоёлари ўрин тутган педагогик қарашлари ва халқ педагогикасининг энг қадимги нодир ёзма манбаси “Авесто”даги аждодларимизнинг бола тарбиясидаги бой тажрибалари, таълим ва тарбия бериш гоёларидан унумли фойдаланишининг самараси ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: миллий тарбия, баркамол шахс, халқ педагогикаси, дидактик тарбия таълимоти.

Дунё маданияти бешиги бўлган Шарқда ижтимоий тузумнинг қайси шаклдалигидан қатъи назар, шахсни камол топтириш муаммоси ҳамиша етакчи ўринда турган. Шу маънода жамиятнинг мустаҳкам пойдевори, уни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида қаралади [1]. Педагогика тарихига назар ташлайдиган бўлсак, Марказий Осиё халқларининг дастлабки ахлоқий-маънавий тасаввурлари қадимий ёзма манбалар ва мумтоз адабиёт, миллий қадриятларнинг шаклланиши баробарида асосий пойдевор вазифасини ўтаб келган.

Ёшларни маънавий –ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялашда илдизи бакуват, пойдевори мустаҳкам, аждодлари шаънини пок сақловчи, садоқатли, маърифатли ёшлар жамият фаровонлигининг кафолатидир . Шудай экан, педагогикада баркамол шахсни тарбиялашда қадимий ахлоқий-маънавий тасаввурларнинг моҳиятини педагогик назардан ўрганиш, таҳлил этиб, амалиётда тадбиқ этиш соғлом авлод тарбияси ва таълимида асос сифатида етакчи ўринда туради, деб ўйлайман. Чунки, тарбия ва таълимдаги ахлоқий ва маънавий қарашлар негизида фикр софлиги, сўз одоби, амалий фаолиятни эзгуликка йўналтириш, юксак ахлоқий фазилатларни тарбиялаш гоёси ётади. Жумладан, буюк ўтмиш педагогик қарашлари мисолида улуғ саркарда бобомиз Амур Темурнинг тарбия ва таълим борасидаги фикрларини олиб қарайдиган бўлсак, маънавий маданият, ватанпарварлик, ва адолат етакчи ўринда туради [2]. Демак, у мохир тарбиячи сифатида болалар тарбиясида хатоларга йўл қўймаслик, тарбия тўғри амалга

оширилиши болани маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол инсон бўлиб ўсишига асос бўлади, деб билади ва мамлакатнинг ҳар бир фуқаросидан талаб қилади.

Аждодларимизнинг буюк маънавий меросида таълим-тарбия ва маънавият масалаларига алоҳида эътибор берилган бўлиб, бу мерос юртимизда қадимдан юксак маданият мавжуд бўлганидан далолат беради. Уларнинг педагогик қарашларидан таълим-тарбия жараёнида унумли фойдаланиш мумкин.

Шу маънода аждодларимизнинг бола тарбияси борасидаги бой тажрибалари ҳақида маълумот берувчи энг қадимги ёзма манба “Авесто” мисолида ўрганиш аҳамиятлидир. “Авесто” - Марказий Осиё халқлари педагогикаси мазмун-моҳияти, ўқитишнинг шакл ва усуллари баён қилинган биринчи тарихий-педагогик ёдгорлик сифатида жуда қимматлидир. Унда одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, маънавият тўғрисидаги ғоялар илгари сурилади [3].

“Авесто”да болаларга таълим ва тарбия бериш шакллари қуйидагича амалга оширилган: - диний-ахлоқий тарбия; - жисмоний тарбия; - ўқиш ва ёзишга ўргатиш. Милоддан аввалги I минг йилликда ёзма тилнинг йўқлиги сабабли таълим оғзаки тарзда амалга оширилган. Урф-одат, маросимларда шеър ёзиш санъати ўргатилганлиги алоҳида аҳамиятга эга.

“Авесто”да таълим тизимининг турли босқичларида китоб ўқишнинг афзаллиги ҳақида “Кўнгил билан ўқиган киши поклик ва эҳтиёткорлик беради” дейилади. Бу зардуштилиқда китоб илм олишнинг асосий воситаси бўлганлигидан, илм олиш рағбатлантирилганидан далолат беради.[4]

Айни пайтда ёшларимизни жамият талаблари асосида тарбиялаш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бири сифатида намоён бўлмоқда.[5]. Оммавий маданият таъсирининг кучайиши шубҳасиз, улар дунёқарашининг шаклланиши ва камол топишига салбий таъсир кўрсатади. Шу ўринда, аждодларимизнинг тарбия масаласидаги насиҳатлари, ёндашувлари ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятига эга.

Кейинги йилларида мамлакатимизда таълимни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш мақсадида таълим соҳасига оид қатор ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.

Чуқур билимга эга бўлган, ҳар томонлама етук, теран фикрловчи, баркамол авлодни вояга етказишда ўқитувчи ҳар бир ўқувчисининг максимал даражадаги фаоллигини, айниқса, жадал фикрлай олиш қобилиятини ўстиришни таъминловчи иш шакллари кўллаш баробарида аждодларимизнинг таълим-тарбиядаги педагогик қарашлари орқали ёшларимизни ақлий фаолият юритишга ўргатиш, уларнинг ижодий фикрлашини ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга.

Янги ахборот ва педагогик технологиялар амалиётга жорий этилаётган бугунги даврда ўқувчиларнинг ўрганиши керак бўлган нарсалари чексиз. Энг муҳими, улар меҳнатдан қочмасликка, онгли, самарали, ижодкорона ва масъулият билан меҳнат қилишга ўрганишлари лозим.

Фойдланилган адабиётлар:

1. И.А. Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асари.
- 2 “Амир Темур тузуклари” асари.
3. "Авесто"нинг таълим-тарбияга оид фикрлари.
4. "Авесто".
5. Ш.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” ва “Таълим тўғрисидаги Қонун”ни.